

Сирожиддин САЙИИД



Қўнғил соҳили



Сирожиддин САЙИД

КЎНГИЛ СОҲИЛИ

Тўртликлар

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.
Тошкент – 2004

Сирожиддин САЙИД.
Кўнгиш соҳили. Тўртликлар

© Ўзбекистон Ёзувчилар уювмаси Адабиёт жамғармаси патрилиги, 2004.

ШАМНОМА

*Ёнги қанча сарвиқомат шамларим
/Эски гафтардан/*

Бу тўртликларни мен осмондан олиб
ёзмадим. Болалиқда, раҳматли момодан кўп
эшитганим, янгаларимга айтадиган "Қилиқнинг
иссиғи — бахтнинг исириғи" ёки "Аёл —
эркакнинг вазири" деган гаплардан тортиб то
ҳозирга қадар, Тошканинг Эски жўва
бозорида "Дўмбоққина ҳандалаклардан олиб
кетинг" деган опахоннинг сўзларигача —
ҳаммаси ўзимга таниш, қадрли, кўнглимга,
ҳаётимга дахлдор кечинмалардир.

Уларда номлар, исмлар бор: улуғ зотларнинг,
устозларимизнинг номлари, яна бошқа номлар.
Тилга олиш баҳонасида мен бу зотлар олдидаги
узиб бўлмас қарзимни назарда тутганман.
"Ўчоқдаги ўт бошқаю юракдаги ўт бошқа"
деганларидек, бу ёзганларим — балки менинг яна
бир уринишим, кўнгилга томон яна бир
чоғланишимдир. Ёзилмаган катта шеърларнинг
парчаларидир, балки кунларим, тунларимнинг
бўлакларидир. Билмайман. Нима бўлганда ҳам
бошимдан, кўнглимдан кечирдим шуларни.
Ҳукмфармолик қилмоқ эса азиз ўқувчига ҳавола.

* * *

Худойим, шукрим, қошу кўз бердинг,
Яна тилларимга равон сўз бердинг.
Пушту паноҳ бердинг менга ўзингдан,
Яна ўз дилимдай содиқ дўст бердинг.

* * *

Менинг Ватан ичра ватанларим бор,
Мангу завол билмас чаманларим бор.
Термизийлар янглиғ хазиналарим,
Бухорийлар каби маъданларим бор.

* * *

Кўринган тоғларнинг қояларидир,
Ул ота-бобомнинг сояларидир.
Осмонга интилган баланд чўққилар
Эрк дея юксалган ғояларидир.

* * *

Мен бунда ҳар дилдан наволар олдим,
Ҳар гиёҳ, ҳар гулдан саболар олдим.
Оқ фотиҳа олдим оппоқ тоғлардан,
Азим чинорлардан дуолар олдим.

Кўриб душманларинг куйиб сил бўлгай,
Эҳ-ҳе, ёзаверсам қанча йил тўлгай.
Ватан, бир дилимни гиёҳларингга
Бўлиб чиқсам, эҳ-ҳе, қанча дил бўлгай!

Райҳонлар баргидан сиёҳ олдим мен,
Ҳар хасдан руҳга бир гиёҳ олдим мен.
Юртнинг турна кўзли булоқларидан
Кўнгилга кўз олдим, нигоҳ олдим мен.

Сен — Ғафур Ғуломнинг ҳаёт қўшиғи,
Ойбек, Шайхзоданинг кўнгил эшиғи.
Бешикларга тўлсин уйлари, шаҳрим,
Эй, улуғ зотларнинг мангу бешиғи.

Дилни ўзга юртга мойил кўрмадим,
Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим.
Қанчалар уммону дарёлар кечдим,
Анҳор соҳилидай соҳил кўрмадим.

* * *

Дунёда энг азиз кўзу қошлардай,
Ҳар бир ҳовлинг менга қариндошлардай,
Кўнглимни минг бўлиб оламга сочсам,
Бунга қайтиб келгай қалдирғочлардай.

* * *

Ўтиб бормоқдадир тунларинг кам-кам,
Кам-кам ёниб битгай, ўчгайдир шам ҳам.
Умрни бир кеча хаёл қилсанг гар,
Тонг-ла кўзларингда пайдо бўлар нам.

* * *

Бу шам нур сочгандир қасрларга ҳам,
Қанча назмлару насрларга ҳам.
Унинг шуъласига фикр жойласанг,
Етгайдир энг тийра асрларга ҳам.

* * *

Кимдир қаср қурмиш, йиғмиш мол-дунё,
Кимдир жабр қилмиш ва топмиш жафо,
Туркистон тупроғи пок бўлсин дея
Ҳикмат экиб кетмиш Яссавий бобо.

* * *

Дунёни хайр ила хўшларда кўрдик,
Юксак парвозларни қушларда кўрдик.
Кечган умримизни қайтариб бўлмас,
Гўёки биз уни тушларда кўрдик.

* * *

Бобомдан мерос юрт — ўру тепаси,
Қулоғимга келар нафас, шарпаси.
Олис адирларда гўё бобомдай
Ҳамон кезиб юрар унинг капаси.

* * *

Ота, бу дунёда ҳар сўз сотилди,
Бегона сотилди ҳам дўст сотилди.
Яхшилик истабон ўтган умрингиз
Чопондай эскирди, тўзди, ситилди.

* * *

Болалик, мен сени кўриб турибман,
Ҳар бир қадамингни кўриб турибман,
Сен менинг йўқолган кўзичоғимсан,
Мен ҳамон қирларда излаб юрибман.

Йилларни бирма-бир қаватласайдим,
Қайтсайдим бағрингга, бир кун қайтсайдим.
Болалик, сенинг дўл, ёмғирларингга
Ўзни тўйиб-тўйиб савалатсайдим.

Тоғларда кишнаган от, саманимдир,
Босиб келаётган, оҳ, туманимдир.
Хазонларни йиғиб ёқмоқда бир чол,
Ул менинг ёшлигим, гул чаманимдир.

Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,
Соғинчлар бирлашиб йил бўлди, она.
Тўпланиб-тўпланиб барча оғриқлар,
Менинг кўкрагимда дил бўлди, она.

Уфқлар, қирлару осмонгача қор,
Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.
Она, бу соғинчни қандоқ ёзайин?
Ўртамизда чексиз оппоқ, варақ бор.

Меҳр топмасман ўз меҳримдан ўзга,
Умр ҳам кўрмасман умримдан ўзга.
Ҳеч ким тушунмагай дунёда мени
Кўксимда йиғлаган қумримдан ўзга.

Қанча молу давлат тупроқдир, гилдир,
Нечук маъводир бу? Нечук манзилдир?
Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст,
Менинг излаганим балки бир дилдир?

Агарчи баланду пастдамиз, эй дўст,
Барибир бир йўлдан қайтамиз, эй дўст.
Менга чайла бермас, сенга кошона,
Оқибат тупроқмиз, майсамиз, эй дўст.

Уйқашдир бу йўлнинг шому саҳари,
Хабарлари бисёр, кўпдир хатари.
Эй дўст, Фаридиддин Аттордин ўрган,
Энг узоқ сафардир кўнгил сафари.

* * *

Дил дедим, дил йўлин холис йўл кўрдим,
Дил томон юрдиму олис йўл кўрдим,
Дўстлар, бу манзилга етгунча, гўё
Минг йил талпиндиму минг йил йўл юрдим.

* * *

Эй дил, Жалолиддин Румийга боққил,
Кўнгил дарёсига фарқ бўлгил, оққил.
Мангу оловдир бу — мангу тириклик,
Ёндиргил ўзингни, шу ўтда ёққил.

* * *

Ўзингча тижорат қилгани келдинг,
Уй қуриб, иморат қилгани келдинг.
Бу дунё беш кунлик зиёратгоҳдир,
Аслида зиёрат қилгани келдинг.

* * *

Куй тинглаб кўнгилнинг найидан, кетдик,
Гул дедик, кўнгилнинг раъйдан кетдик.
Кўнгиллар меҳридан пайдо бўлдигу
Бир умр кўнгилнинг пайидан кетдик.

Мен бир хас, сен эса дарё, тириклик,
Тилим лол, сен эса гўё, тириклик.
Неки севдим, суйдим — туш янглиғ ўтгай,
Эй, бошдин оёғи рўё тириклик!

Аё, Анвар қори, "Қуръон"дан айтинг,
Эътиқоддан айтинг, иймондан айтинг.
Бу ёруғ дунёда минглаб йўл топиб,
Ўзин тополмаган инсондан айтинг.

Дунёга келдингу кетгайсан қачон?
Эзгулик нақшини битгайсан қачон?
Неки бор, етишдинг елиб-югуриб,
Эй инсон, ўзингга етгайсан қачон?

Букун дастурларинг, дарсликларинг кўп,
Меҳробинг, хонақоҳ, масжидларинг кўп.
Сенга жоиз асли юксак амаллар,
О, инсон, бунча ҳам пастликларинг кўп!

Келдингу дунёга йўқот, излагил,
Бир ҳалол инсонни фақат излагил.
Мунофиқ, риёкор жонзотлар аро,
Овқат изламагил, тоқат излагил.

Гарчи пиёдамиз, гарчи отлиқмиз,
Ким яхши, ким эса ёмонотлиқмиз.
Қанчалар фурсатни ўтказдик зое,
Худонинг олдида кўп уётлиқмиз.

Гарчи мусулмонмиз, гар кофирлармиз,
На аввал келганмиз, на охирлармиз.
Ўтиб кетгувчимиз олдинма-кетин,
Алқисса, уч кунлик мусофирлармиз.

Қиёматга қадар кузатгай Худо,
Иймон тарк этмасин, кетмасин ҳаё.
Ҳадис сўйлаб ўтар бор инсонларга
Қиёматга қадар Термизий бобо.

. . . .

Румийдан бир коса, Хайёмдан бир жом
Олгунча ўтгайдир кетгайдир айём.
Бугунинг кечангдир, кечанг эса — тонг,
Тонгинг жилосини эгаллагай шом.

. . . .

Айём тилаклари жомимиздадир,
Ҳаёт гоҳ фолу гоҳ ромимиздадир.
Мудроқ хаёллардан кечинг, ёронлар,
Баҳор эрта-индин томимиздадир.

. . . .

Бу — баҳор оқшоми, фол, роми йўқдир,
Ҳеч юртнинг бу юртдай оқшоми йўқдир.
Қанча гуландомдан гул иси келгай,
Қанча дилоромнинг ороми йўқдир.

. . . .

Биродар, бир гўзал дам бўлса, басдир,
Шабнамдай бир тоза ғам бўлса, басдир.
Ёнингда шам янглиғ ёнгувчи ёринг,
Ёрингдай ёнгувчи шам бўлса, басдир.

Ё, фалак! Тун ичра кўр, не кўринди,
Дунёда энг гўзал сир не, кўринди.
Ойми деб гоҳ ер, гоҳ осмона боқдим,
Тундай сочлар аро бир не кўринди.

Денов бозорида бир гул кўринди,
Гулми ё қирмизи кўнгил кўринди.
Шунча йил илк бора Сурхонга йўлим,
Ёронлар, бунча ҳам мушкул кўринди.

Оҳларим ичинда унган оқ гулим,
Неча йил яшадим мен муштоқ, гулим.
Гоҳи карашмага тўлуғ дарёсан,
Гоҳ оппоқ баҳордай бир қучоқ, гулим.

Ҳаёт бир най бўлди, дил чалар бўлди,
Менинг ҳар бир дамим йилчалар бўлди.
Қилдай белларингга етгунча, эй ой,
Жон ҳам нозик тортиб қилчалар бўлди.

* * *

Англадим фалакнинг муддаосини,
Қитмир Зухросию Сурайёсини.
Мен-чун эврилмишлар йигирма йиллар,
Муҳайё этмоқ-чун Муҳайёсини.

* * *

Юргил сиримизни Сирга айтайлик,
Андин сўнг лолазор қирга айтайлик.
Менинг сарвиқомат сеҳру жунуним,
Ҳар неки айлайлик бирга айлайлик.

* * *

Мажнун кечаларнинг титроқларида,
Жон топдим кўзингнинг қирғоқларида.
Мен учун минг ҳаёт, минг ўлим бордир
Қаро зулфларингнинг сиртмоқларида.

* * *

Сенинг икки қўлинг — икки илифинг,
Икки мижгонингда икки чизифинг.
Қайноқ дудоғингда икки иссиқ сўз,
Бахтим исириви иссиқ қилифинг.

* * *

Яшил рўмолингда — яшил кунларим,
Қизил рўмолингда — қирмиз тунларим.
Шому тонгларимдай оқ рўмолларинг,
Қолган барча дунё — ёлғон унларим.

* * *

Менинг отинбибим, менинг ой юзим,
Ой тегса юзингга айтар: "Вой, юзйм!"
Дуолар қилгайсан шому саҳарлар,
Шоядки ҳаётим топгайдир тўзим.

* * *

Фалак ўз ишини пухта қилмишдир,
Нақшини жисм ила руҳда қилмишдир.
Менинг бор хорлигу сарсонлигимга
Сенинг бир холингни нуқта қилмишдир.

* * *

Кўқда ойлар тўлди — соч турмаклайсан,
Соғинчга дил тўлди — соч турмаклайсан.
Асрлар ўтгайдир кўзгу олдидан,
Гўё минг йил бўлди — соч турмаклайсан.

Сурхондан келдиму Сурхонга кетай,
Ул интиқ, интизор қўрғонга кетай.
Ёронлар, Тошкентда жисмим юрибдир,
Ул жон Сурхондадир, ул жонга кетай!

Кийгин энг чиройли кўйлақларингни,
Ифор эт умримнинг йўлақларини.
Бу тонг қалдирғочлар айвонимизга
Келтиргай қалбимнинг бўлақларини.

Менинг кечаларим, бугунларим бор,
Кокилларинг ичра гурунгларим бор.
Очгил, сочларингнинг турмақларин оч,
Гулим, очилмаган тугунларим бор.

Менинг гулназарим, назирим менинг,
Ёнимда ҳозиру нозирим менинг.
Чой ичган пайтда ҳам маслаҳатгўйим,
Эй, жуфти ҳалолим — вазирим менинг.

* * *

Дилларга энг тиниқ туйғулар келсин,
Йиллардан севинчу кулгулар келсин.
Уйқусиз, беором мард ўғлонларга
Ёрнинг қучоғида уйқулар келсин.

* * *

Ҳар кимга дунёда қолар из берсин,
Неки толе берсин — изма-из берсин.
Сенга бир ой юзли ёри вафодор,
Яна ўн тўртталар ўғил-қиз берсин.

* * *

Баҳор. Қадирғочлар хас, лой чўқийди,
Ўргимчак янги бир гилам тўқийди.
Гулзор тепасида бир мулло тўрғай
Булбул билан гулга никоҳ ўқийди.

* * *

Қишда қолиб кетди қандолатларим,
Сизни кўп соғиндим ҳам дарақладим.
Тансиқ исингиздан ўзим айланай,
Менинг дўмбоққина ҳандалакларим.

Соғинчинг ташвишу баҳонамдадир,
Товушинг даҳлизим ё хонамдадир.
Сенинг тўлқинларинг, Тўполондарё,
Ҳар тонг чайқалибон остонамдадир.

Ўтгаймиз дунёдан — яхшими, ёмон,
Ҳеч бир амалимиз қолмас ноаён.
Бошимиз устидан қараб тургайдир
Оллоҳнинг кўзидай бепоён осмон.

Армоним, мен сенга хўп имкон бердим,
Сен бир қуш, мен сенга кўк осмон бердим.
Сенга юрагимни ушатдим нондай,
Кўзим гавҳаридан сенга дон бердим.

Ярим минорларим ер остидадир,
Мен деб ёнорларим ер остидадир.
Сенинг чинорларинг ер узра, эй дўст,
Менинг чинорларим ер остидадир.

* * *

Қабристонга эрта келади баҳор,
Бунда ётганларнинг соғинчи бисёр.
Тириклардан кўра улар муҳтожроқ,
Тириклардан кўра кўпроқ умидвор.

* * *

Қабрлар элнинг жим нақллариدير,
Асли тирикликнинг мақоллариدير.
Унган майсаларни юлиб ташлама,
Бу — ота-бобонгнинг соқоллариدير.

* * *

Ўлимга барибир: гулдай дудоқлар,
Ҳалол юрганлару ҳаром томоқлар.
Уст-боши бутлардан чопонин ечгай,
Ковуш кийиб кетмас ялангоёқлар.

* * *

Тирикмиз, биродар, бўлма бесабр,
Марҳумларга қийин, уларга жабр.
Бориб қабристонга назар сол бир зум,
Гўё сабр тилар қабрга қабр.

На керак, ўзи қон ютгандан кейин,
Бағрини тупроққа тутгандан кейин?
Дўстлари кўпайди Шавкат Раҳмоннинг,
Ўзи бу дунёдан ўтгандан кейин.

Панжакент тоғлари ўкраб кетдилар,
Варзоб қирғоқлари тутаб кетдилар.
Лойиқ Шерали ҳам ўтди дунёдан,
Сурхон боғлари ҳам титраб кетдилар.

Дунёда ғам кўпдир — биттаси сенсан,
Ранжу ситам кўпдир — биттаси сенсан.
Ёниб-ёниб тугар барча шамлар ҳам,
Дунёда шам кўпдир — биттаси сенсан.

Баъзан ёш бола ҳам тенгингдай бўлгай,
Япроқ ҳам шивирлаб кўнглингай бўлгай.
Баъзан узоқ йиллар жим чеккан ғаминг,
Бир куни туғишган синглингай бўлгай.

Олис юлдузларда қандай хабар бор?
Ойнинг гардишида қандай хатар бор?
Мангу хавотирдай айланар фалак,
Бир кун ҳаммамизга катта сафар бор.

Улуғ Ойбеклару Фафур Фуломлар
Нечун улуғ эрди, улуғ каломлар?
Чунки улуғ эрди бу зотларда қалб,
Қалбда улуғ эрди дарду аламлар.

Кузги шом чўкмоқда сўнган илҳомдай,
Сарғайган япроқлар — ҳазин каломдай.
Анҳор ёқасида бир улуғ чинор
Мунғаймиш кексайган Фафур Фуломдай.

Ғазал бўстониға кирмоқ керақдир,
Ҳар сўзни жон бирлан кўрмоқ керақдир.
Ҳазрат Навоийға етмоқ-чун, эй дил,
Яна беш юз йиллар юрмоқ керақдир.

* * *

Охир мухолифлар ҳориб бўлдилар,
Эл-юрт сўз фаҳмига бориб бўлдилар.
Сизнинг шеърингиздан, Абдулло ака,
Қанча абдуллалар ориф бўлдилар.

* * *

Кимгадир қисмату ёзиқ шеърият,
Ким учун болға ё қозиқ шеърият.
Устоз Эркин Воҳид сатрларидан
Билдик, бунчалар ҳам нозик шеърият.

* * *

Чопон кийгиздингиз, Шерали оға,
Совуқ энди сал-пал қисинса керак.
Шунча йил танамда жунжиккан гамим
Бул кеча ҳойнаҳой исинса керак.

* * *

Худо берган зотлар тоқ, ёлғиз чиққай,
Таъриф этмоққа тил, сўз ожиз чиққай.
Юз йилда туғилса бир улуғ ҳофиз,
Унинг бир додидан юз ҳофиз чиққай.

* * *

Райҳонга айланди қанча гулбўйлар,
Армонга айланди сиз борган тўйлар.
Сиз кирган ҳовлилар мунғайиб қолмиш,
Айвонга айланди сиз кўрган уйлар.

* * *

Эл тинчин қуёшу ойларга бергин,
Ризқини шу тошқин сойларга бергин.
Камбағалга берма мол-дунё, Худо,
Энг аввал сен сахий бойларга бергин.

* * *

Доим бошингизга Ҳумолар келгай,
Элга ҳам тўй бирлан наволар келгай.
Қанча салом келгай сизга, сахий зот,
Қанча муҳтожлардан дуолар келгай.

* * *

Севинч сенмисанму ё мунг сенмисан?
Соғинч сенмисанму, овунч сенмисан?
Мен сени бепарво тиликлайдурман,
Бобурни йиғлатган қовун сенмисан?

* * *

Элда Комилжоннинг ашуласи бор,
Огаҳий, Ферузнинг сўз шуъласи бор.
Бугун Хоразмнинг неси бор дема,
Омон Матжон каби ёшуллиси бор.

* * *

Тириклик кўйида овора, эй дўст,
Топган чораси ҳам ночора, эй дўст.
Қовун тилимидай бир табассуминг
Бўлса етар менга, бечора, эй дўст.

* * *

Ўзинг девор бўлиб, ўзинг нурайсан,
Бошингга қор ёғса, ўзинг курайсан.
Кўрдинг дўсту ёрнинг аҳволин, эй дўст,
Энди ўз ҳолингни ўзинг сўрайсан.

* * *

Баланд, азим деворни ҳам бир кун нам ейди,
Рост умрни гоҳо нобоп бир қадам ейди.
Қаро тунни адо қилар битта шам, эй дўст,
Сени шароб ейди охир, мени ғам ейди.

* * *

Бу олам ҳамиша шундоқ чатишган:
Кимдир етишмаган, кимдир етишган.
Булбуллар ҳамиша қон ютган, эй дўст,
Қарғалар ҳамиша тезак титишган.

* * *

Яшайлик, энг гўзал палла бўлгунча,
Мунглуғ тароналар алла бўлгунча.
Эй дўст, бизнинг бошлар чириб кетгайлар
Бу қовоқкалалар калла бўлгунча.

* * *

Умр десанг, обу гил куяр, эй дўст,
Бир онда не ою йил куяр, эй дўст.
Кўқдан юлдуз учса елканг куйгайдир,
Ерга бағир берсанг, дил куяр, эй дўст.

* * *

Биз ўтган йўллардан қиссалар унгай,
Охир гам юкига жуссалар кўнгай.
Ой хилват боғларда кечалар, эй дўст,
Балки мену сенга ҳассалар йўнгай.

* * *

Кўнгилдан қанчалар зорлар кетибдир,
Қанча дилдорлару ёрлар кетибдир.
Шунча ой-йиллар биз дўсту ёр дебмиз,
Дўсту ёрлардан ҳам орлар кетибдир.

* * *

Бориб айтай яна Эркин Аъзамга,
Чора топармикан эски ғуссамга?
Оқарган сочлари бир нени билар,
Шоядки нур сочгай мунгли қиссамга.

* * *

Кўздан йироқ тушса қош ҳам йиғларкан,
Дунёда кекса ҳам ёш ҳам йиғларкан.
Кимсасиз соҳилда кўрдим бир оқшом,
Ёлғиз бошим, дея тош ҳам йиғларкан.

* * *

Оламда бир ғалат жонлар юрибди,
Ким тикка, ким эса ёнлаб юрибди.
Калта иштон киймиш бир даканг хўроз,
Шим кийган товуқлар донлаб юрибди.

* * *

Ҳар ким ҳам ҳаётнинг нақши бўлмагай,
Агар феъл ёмондир, яхши бўлмагай,
Сайраган ҳар қарға андалиб бўлмас,
Ҳанграган ҳар эшак бахши бўлмагай.

* * *

Кимгадир дунёда мақсад суянчиқ,
Кимгадир мол-дунё, сарват суянчиқ.
Бир йигит бир юртни обод этса гар,
Баъзан мамлакатни булғар бир қанжиқ.

* * *

Тўнғиз билан ҳўкиз ўпишган каби,
Ғалатдир кўпларнинг мақсад, матлаби.
Улар ҳаётда ҳам шундоқ юрарлар:
Тўнғиз билан ҳўкиз қапишган каби.

* * *

Худойим, қуёшу ерлар яратдинг,
Минг бир синоату сирлар яратдинг.
Читтакларга муте сору бургутлар,
Тулкиларга тобе шерлар яратдинг.

* * *

Адолат гоҳ бемор — тўшаклардадир,
Саховат хас билан хашаклардадир.
Хачирлар ичинда тулпорлар ҳайрон,
Олтин эгар гоҳо эшаклардадир.

* * *

Тушуниб яшайди арслонни арслон,
Итни ит тушунгай, сиртлонни сиртлон.
Тушунгай бир-бирин неки жонзот бор,
Фақат тушунмагай инсонни инсон.

* * *

Сакрайди қарамай ўнгу сўлга ҳам,
Фунчага ҳам боқмас, ҳуш йўқ гулга ҳам.
Бориб айтсаммикан Нурхон Нафасга,
"Қора белбоғ" берсин шу булбулга ҳам.

* * *

Бу ёруғ дунёда ҳар ким йиғлайди,
Ким овоз чиқариб, ким жим йиғлайди.
Бек бекка йиғлайди, ҳоким ҳокимга,
Ҳоким хотинига бориб йиғлайди.

* * *

Семириб кетибсиз, дўстим, булбулвой,
Гул йўқдир, дил йўқдир, пул бор ҳойнаҳой.
Фақат ёнингизда бир дўмбоқ товуқ
Сигза ош дамлайди, қуйиб берар чой.

* * *

Бозор тўндан кириб, яктақдан чиқар,
Ҳар хил сўз соғ билан тентақдан чиқар.
Кўнгилда пул нима қилади, нодон?
Пул кўнгилдан эмас, чўнтақдан чиқар.

* * *

Ўтгайдир дунёдан оқил, калтафаҳм,
Битгайдир менинг ҳам бир кун сафсатам.
Қорнинг оч бўлса ҳам кекириб юргил,
Шудир бобомерос менинг фалсафам.

* * *

Ҳаммаси бу кўҳна оламга боғлиқ,
Болаи сенга, сен-чи, болаи сенга боғлиқ.
Худодан не кутсанг, неки сўрасанг,
Кечалари қилган нолаи сенга боғлиқ.

• • •

Дуч келган ҳар чуқур асло жар эмас,
Сен бир жонзотдирсан, гарчи хар эмас.
Сен ўйлаганчалик кўр эмас даврон,
Сен ўйлаганчалик замон кар эмас.

• • •

Биз келдик дунёга бир имкон учун,
Ҳар лаҳза бир синов, имтиҳон учун.
Минг инсон битта жон беролмас бизга,
Биз битта жонмизу минг инсон учун.

• • •

Ватан, бўстонларинг озода бўлгай,
Ўғил ҳам қизларинг жонзода бўлгай.
Султондай қад ростлар ҳар бир дарахтинг,
Очилган ҳар гулинг хонзода бўлгай.

• • •

Бул менинг билдигим — битикларимдир,
Балки кутганларим, интиқларимдир.
Менинг соғинчларим ҳам оғриқларим,
Менинг камликларим, кемтикларимдир.

* * *

Соғ бўлинг, эй дўсту ҳамхонам менинг,
Туғайдир бир куни ҳангомам менинг.
Балки бу шамномам — севинчларимдир,
Балки бу шамномам — ғамномам менинг.

* * *

Ҳар кун — умримизнинг бир сафаридир,
Ҳар он — кунимизнинг бир гавҳаридир.
Тиечлик, омонликда отган ҳар бир тонг
Оллоҳнинг бизларга хуш хабаридир.

2000

КЎНГИЛ СОҲИЛИ

...

Кўнгил тубларига чўқди не тошлар,
На қувонч юпатди, на-да кўзёшлар.
Сўнган ҳар шуълага ўкинч-ла боқдим,
Дилимдан ранг олиб ботди қуёшлар.

...

Йиллар буғдойимни ўриб кетдилар,
Еллар қиримдан юз буриб кетдилар.
Болажон, авайла жилғаларингни,
Менинг дарёларим қуриб кетдилар.

...

На базм ва на-да сайилдадирман,
На аввал ва на-да охирдадирман.
Менинг қайдалигим сўрма, биродар,
Мен кўнгил аталмиш соҳилдадирман.

* * *

Менинг уч райҳоним — менинг уч синглим,
Уч ёнга бўлинган менинг уч кўнглим.
Сизсиз паришонман, қачон мен келсам
Райҳондай бир жойга бўлар гуж кўнглим.

* * *

Бу кеч кўнглим билан кўнглим гаплашди,
Мисоли туш билан ўнгим гаплашди.
Шунчалар соғинган экан — йиғладим,
Гўёки мен билан синглим гаплашди.

* * *

Айтмангиз, биз узоқ манзилга кетдик,
На дарё ва на ё соҳилга кетдик.
Ўзга манзиллардан изламанг бизни,
Ёронлар, биз дилга, биз дилга кетдик.

* * *

Кўрингим, биз қандоқ рафторга келдик,
Дил билан охири гуфторга келдик.
Ўтиб дунёнинг бор атторларидан,
Охир Фаридиддин Атторга келдик.

Кўксимни ёндирган ўтлуғ оҳ — ўзинг,
Мен жоҳ изламасман, ёлғиз жоҳ — ўзинг.
Эй дил, сенга атаб чоҳлар қаздим мен,
Ўзимга бўлгайсан бир кун чоҳ ўзинг.

Бир хас шивирида қанча хабар бор,
Бир тош замирида қанча сафар бор.
Бир гўр сукутида қанчалар садо,
Бир юлдуз нурида қанча хатар бор.

Кулманг, мушкул қолиб енгилни топдим,
Ки мен ўтлар ичра сингилни топдим.
Сиз олтин топдингиз излай-излай, мен
Ахтара-ахтара кўнгилни топдим.

Сиздан тоғ қолгайдир, доғлар тўла тоғ,
Сиздан боғ қолгайдир, доғлар тўла боғ,
Мендан тоғ қолмагай, қолмагай боғ ҳам,
Менда доғ қолгайдир, боғлар тўла доғ.

Нечун мунглуғдирсан, эй яшил боғим?
Ўтмиш — менинг фаслим, менинг гул чоғим.
Энди чирқираган қушчаларингга
Биттадан ин бўлгай ҳар битта доғим.

Бу дунё ғаразгўй лошлар дунёси,
Риёкор кўзлару қошлар дунёси.
Бошингга тош ёғар ҳар бир буржидан,
Нечук дунёдир бу — тошлар дунёси?

Гоҳи туфроғ янглиғ сўқмоғингдаман,
Тошқин сел, кўкдаги чақмоғингдаман.
Гоҳи деворингга хасман, эй кўнгил,
Гоҳи шабнам янглиғ япроғингдаман.

Йиғладим минг йиллик чинор тагида,
Кўнгил ҳам юмшади тошлар тафтида.
Бир япроқ ногаҳан кифтимга қўнди,
Сўфи Оллоёрнинг илиқ кафтидай.

Юрган дарё, юриб, дарё бўлдим мен,
На манзил, на дашту саҳро билдим мен.
Қай бир қирғоқларда қолиб кетдинг, Гул?
Энди ўз ғамимга бўйро бўлдим мен.

Умрнинг энг гўзал манзилларидан
Кетдим — кўзларингнинг соҳилларидан.
На қирғоқ аёндир энди, на макон,
Не суд чўзилган бу ой, йилларидан?

Билмам, ўртамизга не сўров тушди,
Орага фалакми ё биров тушди.
Айрилдик, тоғларга қор тушди, эй Гул,
Ўшал тун кўнгилга илк қиров тушди.

Гарчи ўшал дилдор, ул нодирасан,
Ўшал латофату ул соҳирасан.
Кўзларинг тубида бир мунг кўрдим, Гул,
Сен олис ёшлиқдан бир хотирасан.

* * *

Наҳотки орзулар бўй бермас энди?
Осмон кўнгилларга тўй бермас энди.
Наҳот жилғалардай жимиб кетдик, Гул?
Наҳотки ҳеч нарса рўй бермас энди?

* * *

Сенсиз ишқ жадвали тузилмагай, ёр,
Сен бўлсанг дил мулки бузилмагай, ёр.
Нозик белларингга бу жон риштаси
Камар бўлмагунча узилмагай, ёр.

* * *

Эй сен, Андижонда йиғлаган булбул,
Эй сен, Самарқандда куйиб ўтган гул,
Нечун нолишингдан мен бўлдим адо?
Ёнган — сен, мен нечун бунда бўлдим кул?

* * *

Дарахтлар бандида не янглиғ титроқ?
Хавотир ичрадир ҳар хас, ҳар япроқ.
Қоялар жунжикди ҳатто, тийрамоҳ,
Ишқсиз кўнгил каби мунғаймиш қирғоқ.

* * *

Саболар, ёш кетган акамдан айтинг,
У кўрган, кўрмаган рақамдан айтинг.
Агарда ул сори гузор этсангиз,
Менинг йиртиқ, вайрон ёқамдан айтинг.

* * *

Ҳасрат ўчоғида ўтинман, ёмғир,
Қисмат қирғоғида тутунман, ёмғир.
Бунчалар мулойим, илиқ ёғурсан,
Онам йиғладими бу тун ҳам, ёмғир?

* * *

Япроқдан уй қурдим, майсадан — хона,
Шудринг ва юлдуздан ўрнатдим ойна.
Осмондан зангори дарчалар олдим,
Гулдан эшик қилдим, дилдан — остона.

* * *

Яраб қоларми деб бирор кунимга,
Ҳасрат сотиб олдим сўнгги пулимга.
Энди иккимиз ҳеч исинолмаимиз
Қанча ўрансак ҳам иссиқ тўнимга.

Танимда ям-яшил япроқ бўлган Дард,
Кўнгил айвонида тупроқ бўлган Дард.
Қанчалар кўп, узоқ чекканим сайин,
Ҳаргиз камаймайин, кўпроқ бўлган Дард.

Кўнгил куйгайдиру, вале кул йўқдир,
Кўнгил бир гул истар, вале ул йўқдир.
Пулдор кимсаларда йўқдир саховат,
Саховат аҳлида вале пул йўқдир*.

Аё, Фарҳод Аъзам, бозорни кўргил,
Бозорда гуфтору гузорни кўргил.
Биз истаган гуллар пул сотар бунда,
Бул ажиб, ғаройиб гулзорни кўргил.

Яхшиям хўтиклар қўшиқ ёзмаслар,
Ёзиб ҳар жойларга олиб бормаслар.
Яхшиям шоирни тўрқовоқларга
Солиб, чойхонада осиб қўймаслар.

*Саздий Шерозийдан.

Худбин осмонига чиқмас камалак,
Бахил қозонида пишмас сумалак.
Мунофиқ томида қизғалдоқ унмас,
Тўнғиз тумшуғига қўнмас капалак.

Ўтди гул фаслимиз, хазон фаслимиз,
Кўп узоқ чўзилди талош, баҳсимиз.
Шақлу шамойилда инсонмиз гарчанд,
Чўчқадир, тўнғиздир ҳамон нафсимиз.

Йўлчимиз, тўшарга тўшагимиз йўқ,
Охур бор, валекин хашагимиз йўқ.
Оғирдир, енгилдир балки юкимиз,
Тўқим топганмизу эшагимиз йўқ.

Худо даргоҳида очиқсан, инсон,
Дунё коргоҳида нечуксан, инсон?
Жаҳонга сифмайин елмоқлар нечун,
Ўзинг-ку заррадан кичиксан, инсон?

* * *

Олис тоғларимдан келибсан, баҳор,
Унда кимлардир зор, кимлар интизор.
Янги бешиклардан гапир гапирсанг,
Янги қабрлардан сўйлама зинҳор.

* * *

Бир унут дунёдан келгин, эй шамол!
Бу тун эшигимдан эсгил, эй шамол!
Кўксимга бош қўйиб, силаб жонимни,
Мужда ёшлигимдан бергил, эй шамол!

* * *

Мен ишқ диёрининг авомидирман,
Ердаги ҳар хаснинг каломидирман.
Сўйлатиб ўтарман сўнгақларимни,
Машраб армонининг давомидирман.

* * *

Дунёга келибсан — дилингда қайғу,
Осмон — бошинг узра сеҳрли кўзгу.
Умринг — ёр зулфига теккан бир эпкини,
Киприқдаги кўз ёш, лабдаги кулгу.

* * *

Сўқмоқлар узилди, узилди йўллар,
Симлар узилдилар, узилди қўллар.
Кўнгил узолмадим фақат мен сендан,
Нурли ишлар мисол тортилмиш йиллар.

* * *

Фалак айланади — юлдузли томим,
Бир ёнда — пишиғим, бир ёнда — хомим.
Тунлар япроқ янглиғ юпқайди кўнгил.
Қатра шабнам бўлди тонгги таомим.

* * *

Дўстим, даҳр боғин мен бир хасиман,
Йўқлик оҳангларин мунглуғ сасиман.
Сен фиғон чекмагин фақир кулбангдан,
Мен ўшал кулбангнинг остонасиман.

* * *

Балки кўзёш бўлиб келдим дунёга?
Ёки қувонч бўлиб келдим дунёга?
Сўнган чироқларнинг хотири учун
Балки сирож* бўлиб келдим дунёга?

*Сирож — чироқ.

* * *

Менинг зоҳирим ҳам доҳилим, эй дил,
Келиб тўхтаганим соҳилим, эй дил.
Бу тўкин, серҳосил даҳр боғида
Менинг арзимаган ҳосилим, эй дил.

* * *

Айб этманг, агарчи дилимдан айтдим,
Аслида мен обу гилимдан айтдим.
Чечаклар ичра бир барги хазоним,
Хазонлар ичра бир гулимдан айтдим.

1992 – 1995

Сирожиддин САЙИД

**КЎНГИЛ СОҲИЛИ
Тўртликлар**

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонмурод Жумаев

Муҳаррир: Рустам Мусурмон

Техник муҳаррир: Бахтиёр Хуррамов

Мусаввир: Ахбарали Манасолиев

Мусаҳҳиҳ: Шерзода Ирзоев

Теришга берилди 20.11.2004 й. Босишга рухсат этилди 01.12.2004й.

Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Нашр босма тобоғи 3,0. Нусхаси 1000.

Буюртма № 305. Баҳоси эркин нарҳда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.

700000, Тошкент, Ж. Неру кўчаси, 1 – уй

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

босмахонасида чоп қилинди.

Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова кўчаси, 33 – уй